

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАМИЛОВА АИДА ШЕРАЛИЕВНА

МАКТАБ ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА ГЕЛЬМИНТОЗ КАСАЛЛИКЛАРИ
ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ГИГИЕНИК АСОСЛАШ

14.00.07 – Гигиена

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ-2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Камилова Аида Шералиевна

Мактаб ёшидаги болаларда гельминтоз касалликлари
профилактикаси ва гигиеник асослаш 5

Камилова Аида Шералиевна

Гигиеническое обоснование и профилактика гельминтозные
заболевания у детей школьного возраста 25

Kamilova Aida Sheraliyevna

Hygienic justification and prevention of helminthic diseases in school-age
children 58

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 65

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАМИЛОВА АИДА ШЕРАЛИЕВНА

МАКТАБ ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА ГЕЛЬМИНТОЗ КАСАЛЛИКЛАРИ
ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ГИГИЕНИК АСОСЛАШ

14.00.07 – Гигиена

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ-2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.PhD/Tib3320 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эрматов Низом Жумакулович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хамракулова Мукаддасхон Аскарровна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Хаширбаева Динора Махкамбаевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

**Хожа Аҳмад Яссавий номидаги халқаро
қозоқ-турк университети
(Қозоғистон Республикаси)**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил « ____ » _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат тиббиёт университетининг 10-ўқув биноси, 1-қават мажлислар зали. Тел./факс: (99871) 150-78-25, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй; Тошкент давлат тиббиёт университетининг 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел/факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2025 йил « ____ » _____ да тарқатилди.
(2025 йил « ____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И. Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Ф.И. Саломова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктри (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда гижжа инвазиялари (гельминтозлар) кенг тарқалиши билан бир қаторда, аҳолининг 25% дан ортиғи гельминтозлар билан хасталанган, улардан 644,4 миллиони аскарида ва 335,1 миллиони трихоцефалиёздир. Паразитлар орасида ичак гижжалари диареядан кейин 2–ўринда ва уларнинг тарқалиш даражаси йилига 3,5 миллиарддан ортиқ бўлиб, ичак гижжаларининг инсон касалликлари келтириб чиқарадиган зарарининг етакчи сабаблари орасида 4–ўринни эгаллаган. «...шу билан бирга гижжаларнинг инсон патологиясидаги аҳамияти яқин вақтгача етарлича баҳоланмаган. Гижжалар инсон танасини овқатланиш, яшаш ва кўпайиш манбаи сифатида ишлатади. Мактабгача таълим ёшидаги 35% ва ундан кўп болалар мактабгача таълим ташкилотларида гижжа касалликлари билан хасталанадилар...»². Бунинг сабаби, бола дунёни кўпинча турли хил таъм сезгилари «таъмни таътиб кўриш» орқали танийди, кўпинча антропоноз ва зоонотик инфекцияларнинг тухум ва личинкалари билан ифлосланган тупроқ ва сув каби атроф-муҳит объектларини ўз ичига олган. Болаларда инфекциянинг максимал ёши мактабгача таълим ёшидаги болалар учун 2 ёшдан 7 ёшгача ва мактаб ўқувчилари учун 10 ёшдан 14 ёшгача деб ҳисобланади, бу тананинг мослашув жараёнлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда мактаб ўқувчилари орасида гижжа касалликлари тарқалишини гигиеник олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш профилактик тиббиёт ходимлари олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда мактаб ёшидаги болаларда гижжа касалликлари профилактикасини гигиеник асослаш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада мактаб ёшидаги болаларда гижжа касалликларининг тарқалиши, мактаб ёшидаги болаларнинг антропометрик кўрсаткичларини (бўйи, вазни, кўкрак қафаси айланаси), гижжа касалликларини даволаш ва дегельминтизация қилиш мақсадида қўлланиладиган овқат қўшимчаларининг токсикологик ва биологик хусусиятлари, гижжа касалликларига чалинган мактаб ёшидаги болаларда касалланиш даражасини камайтириш ва олдини олиш мақсадида қўлланиладиган овқат қўшимчасининг самарадорлигини ҳамда гижжа касалликлари билан хасталанган мактаб ёшидаги болалар учун профилактика чора-тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббиёт соҳасини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли соматик касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг

²П.Г. Бедин, М.П. Волкова, О.В. Вежель [и др.] // Актуальные вопросы педиатрической практики: сборник материалов научно-практической конференции, посвященной 40-летию педиатрического факультета / Отв. ред. Н.С. Парамонова. - Гродно, 2019. - с. 13-17.

етти устивор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»³ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда мактаб ёшидаги болаларда гельминтоз касалликлари профилактикасини гигиеник асослаш борасида тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2022 йил 11 майдаги ПФ–134-сон «2022 — 2026 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ–4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ–4887-сон «Аҳолини соғлом овқатланишни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий-профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда тиббиётнинг кўплаб соҳалари йўналишларида эришилган муваффақиятларга қарамай, гельминт-протозоал инвазиялар маҳаллий ва хорижий соғлиқни сақлаш тизимининг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда, чунки сайёрамизнинг деярли ҳар бир аҳолиси ҳаётида камида бир марта у ёки бу паразитар касалликдан азият чеккан (П.Г.Бедин, М.П. Волкова, 2019). Аскаридоз билан ҳар 10-беморда, энтеробиоз билан ҳар 5- беморда ва полиинвазия билан ҳар 2-беморда эозинофилия аниқланган (И.И.Попко, 2021). Кўпгина паразитар касалликларнинг узок муддатли кечиши болаларнинг жисмоний ва ақлий ривожланиши, ўқувчилар иш қобилиятининг ёмонлашиши, катта ёшдаги аҳолининг меҳнат қобилияти ва ижтимоий фаоллигини пасайтиради (Т.Г.Кожока, 2018). Шунинг учун тупроқ гижжаларининг асоратлари ичакдаги қон йўқотиши, озуқа моддалари сингишининг бузилиши, иштаҳани йўқотиш, темир ва бошқа муҳим оқсилларнинг йўқотилиши натижасидаги камқонликка олиб келиши мумкинлиги ўрганилган (Pullan R.L., Smith J.L., Jasrasaria R., Brooker S.J., 2010; Parasit Vectors, 2014). Ушбу инфекция болаларнинг ўсиши ва ривожланиши,

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

когнитив салоҳияти ва овқатланиш ҳолатига салбий таъсир кўрсатади, бу эса кейинчалик мактаб ёшидаги болаларнинг мактабга бориши, ўқиши ва умумий фаровонлигига жиддий таъсир қилади (Pabalan N., Singian E., Tabangay L., Jarjanazi H., Voivin M.J., Ezeamama A.E., 2018). Шубҳасиз, болаликда гижжалар кўпинча сурункали овқатланиш бузилиши, ошқозон-ичак тизими (ОИТ) дисфункцияси, интоксикация, тананинг сезгирлиги ва иммунитетнинг заифлашишига ёрдам берадиган омил ҳисобланади (Д.М.Сутягина, Е.А.Рязанова, 2020). Болалигида дегельминтизация қилинган эркаклар ҳафтасига 17% кўпроқ ишлаган ва ҳафтасига бир марта камроқ овқат истеъмол қилган, бу дегельминтизация муолажаларини олишнинг узок муддатли иқтисодий фойдасини кўрсатган (Berd C., Khix G. X., Kremer M., Migel E., 2016).

Ўзбекистонда болалар ва ўсмирларнинг саломатлик ҳолати ҳамда унга таъсир қилувчи омиллар ва уларнинг салбий таъсирини олдини олишга қаратилган гигиеник чора-тадбирларни ишлаб чиқиш борасида қатор илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда (Г.И.Шайхова, 2024; Р.Т.Камилова, 2024; Н.Ж.Эрматов, 2024;2025; Ф.И.Саломова, 2022, 2023; Ф.Л.Азизова, 2023), бироқ, мактаб ёшидаги болаларнинг жисмоний имкониятларига касалланиш ҳолати ва гижжа касалликларининг таъсири гигиеник асосланмаган.

Юқорида баён этилганлар мактаб гигиенаси, жумладан болалар ва ўсмирлар контингентини соғломлаштириш, уларнинг жисмоний тайёргарлигини оширишга тегишли бўлган масалалар ўсиб келаётган ёш авлод саломатлигини муҳофаза қилишни асосини ташкил этиш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №03–4974 «Аҳоли саломатлигини яхшилаш, Ўзбекистон Республикаси аҳолисига тиббий профилактик ёрдамни такомиллаштириш ва аҳоли саломатлиги учун хавфли омилларни бартараф этиш» (2018–2022 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мактаб ёшидаги болаларда гельминтоз касалликларини гигиеник асослаш ва олдини олишни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мактаб ёшидаги болаларда гельминтоз касалликларининг тарқалишини баҳолаш;

мактаб ёшидаги болаларнинг антропометрик кўрсаткичларини (бўйи, вазни, кўкрак қафаси айланаси) баҳолаш;

гижжа касалликларини даволаш ва дегельминтизация қилиш мақсадида қўлланиладиган овқат қўшимчаларининг токсикологик ва биологик хусусиятларини баҳолаш;

гельминтоз касалликларга чалинган мактаб ёшидаги болаларда касалланиш даражасини камайитириш ва олдини олиш мақсадида гижжаларга қарши самарадор бўлган овқат қўшимчасининг самарадорлигини баҳолаш;

гельминтоз касалликлари билан хасталанган мактаб ёшидаги болалар учун профилактика чора-тадбирларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2022-2024 йиллар давомида Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги 98 - сон ҳамда Сергели туманидаги 300 - сонли мактабларнинг 1-4 синф (7-10 ёш) жами 3161 нафар (1704 нафар ўғил ва 1457 нафари қиз бола) бошланғич синф ўқувчилари, «Virgin Tanagon» овқат қўшимчасининг самарадорлиги баҳоланган.

Тадқиқотнинг предметини мактаб ўқувчиларини овқатланиши ҳолати, саломатлик ҳолати ва касалланиш даражасини баҳолаш кўрсаткичлари, гельминтиозларга текшириш натижалар, антропометрик кўрсаткичлари (бўйи узунлиги, тана вазни, кўкрак қафаси айланаси) баҳолаш материаллари олинган, овқат қўшимчаларни биологик ва токсикологик хусусиятлари, самарадорлиги, анал тешиги атрофидаги суртма ва унинг микроскопик баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда мактаб ёшидаги болаларда гижжа касалликлари профилактикасини гигиеник асослашда гигиеник, анкета-сўровнома, токсикологик, паразитологик, лаборатор ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кичик мактаб ёшидаги болалар орасида хавф туғдирувчи гельминтозлар тарқалиши санитар-гигиеник жиҳатдан комплекс баҳолаш асосида антропометрик кўрсаткичлари (бўй, тана вазни, кўкрак қафаси айланаси) ҳисобга олинган ҳолда гельминтозлар инвазияси даражаси билан болаларнинг жисмоний ривожланиши ўртасидаги боғлиқлик аниқланиб, гельминтозларнинг соматик саломатликка таъсиридаги ўрни асосланган;

кичик мактаб ёшидаги болалар орасида дегельминтизация мақсадида қўлланилаётган иммун кучайтирувчи овқат қўшимчасининг токсикологик ва биологик хусусиятлари комплекс баҳоланиб, унинг болалар организми учун хавфсизлиги ва гижжага қарши воситаларнинг зарарли таъсирини пасайтиришдаги ўрни исботланган;

илмий-амалий жиҳатдан янги овқат қўшимчасининг гельминтозларга қарши таъсири тажриба шароитида асосланиб, унинг кичик мактаб ёшидаги болалар орасида гельминтозларнинг қайта инвазиясини олдини олишдаги самарадорлиги исботланган;

кичик мактаб ёшидаги болаларнинг кунлик рационига овқат қўшимчасини киритиш орқали минтақавий гигиеник ҳамда овқатланиш хусусиятларига мослаштирилиб, гельминтозларнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирлар комплекси такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мактаб ёшидаги болаларнинг кунлик рацион таркибида юқори миқдорда туз сақловчи ва қандолат маҳсулотлар билан бойитилганлиги аниқланган;

мактаб ичи омиллари билан боғлиқ бўлган асосий касалликларнинг хавф омиллари билан гижжа касалликларининг боғлиқлиги асосланган;

мактаб ёшидаги болаларда гижжа касалликларининг тарқалиши, ва кўзғатувчиларнинг турлари лаборатор-инструментал усулларда баҳоланган;

гижжа касалликларига чалинган мактаб ёшидаги ўқувчилар касалланиш даражасини камайтириш ва олдини олишда самарадор бўлган овқат кўшимчасини ўрнини гигиеник баҳоланган;

гижжа касалликлари билан хасталанган мактаб ёшидаги болалар учун профилактика чора-тадбирлар акс эттирилган буклет ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган ўқувчилар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи аналитик, санитар-гигиеник, биокимёвий, инструментал, лаборатор-ўлчов ва статистик тадиқот усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, мактаб ёшидаги болаларнинг гижжа касалликларига чалинишининг камайтириш ва олдини олиш мақсадида гижжага қарши самарадор бўлган овқат кўшимчасини тавсия этишни асослашда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳозирги тараққиёт даврида гижжа касалликларининг учраш даражаси, шунинг ҳисобига болаларда ўсиш ва ривожланиш, ақлий ва руҳий ҳолатининг пасайиши, гижжа касалликларининг тарқалишини камайтириш, олдини олиш чора-тадбирлари, ўқувчилар саломатлигига касалликнинг таъсири, антропометрик кўрсаткичлари, яъни бўйи, вазни, кўкрак қафаси айланасига салбий ўзгаришлар юзага келадиган бир қанча соматик касалликлар, дегельминтизация қилишда янги самарадор овқат кўшимчасининг ишлаб чиқарилиши, уни қўллашдан кейинги самарадорлик, болаларда гижжа касаллигининг камайиш даражасини изоҳловчи гигиеник хусусиятларини назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўқувчиларга янги кўшимчанинг гижжа касаллигини олдини олиш мақсадида берилиши уларда касалланиш даражасини камайганлиги, мактабда болаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларининг ошганлиги, уларнинг антропометрик кўрсаткичлари, яъни бўйи, вазни сезиларли даражада меъёрий кўрсаткичларга тенглашганлиги, ўқувчиларда гижжанинг олдини олиш чора-тадбирлари ҳақида кўникмалар пайдо бўлганлиги, шахсий гигиена, тўғри овқатланиш, соғлом турмуш тарзи қоидаларига риоя этиш бирмунча касалликнинг орқага чекиниши, ёндош касалликларнинг олдини олишга асосли боғлиқлигини амалга ошириш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мактаб ёшидаги болаларда гельминтоз касалликлари профилактикаси ва гигиеник асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: кичик мактаб ёшидаги болалар орасида хавф туғдирувчи гельминтозлар тарқалиши санитар-гигиеник жиҳатдан комплекс баҳолаш асосида антропометрик кўрсаткичлари (бўй, тана вазни, кўкрак қафаси айланаси) ҳисобга олинган ҳолда гельминтозлар инвазияси даражаси билан болаларнинг жисмоний ривожланиши ўртасидаги боғлиқлик аниқланиб, гельминтозларнинг соматик саломатликка таъсиридаги ўрни асосланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академиясининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 29 августда 01-20352-сон билан тасдиқланган «Virgin Tanagon» овқат қўшимчасининг токсикологик хусусиятларини баҳолаш алгоритми» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси бўйича 20.09.2024 йилдаги 78-Т-сон ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги Тошкент вилояти бошқармаси бўйича 16.09.2024 йилдаги 150-П-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 февралдаги 12/20-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* мактаб ўқувчиларини тиббий кўриклар асосида овқатланиш, турмуш тарзи билан боғлиқ бўлган гижжа касаллигини тарқалиши, ривожланиш хусусиятлари ва энг асосий энтеробиоз, аскаридоз, геминолипедоз ва лямблиоз турларини гигиеник жиҳатлари асослаш орқали болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, гижжаларни қайталанишларни олдини олиш имконини берганлиги билан изоҳланади. *Иқтисодий самарадорлиги:* мактаб ўқувчиларини тиббий кўриклар асосида овқатланиш, турмуш тарзи билан боғлиқ бўлган гижжа касаллигини тарқалиши, ривожланиш хусусиятлари ва энг асосий энтеробиоз, аскаридоз, геминолипедоз ва лямблиоз турларини олдини олишда «Virgin Tanagon» овқат қўшимчасини қўллаш орқали болалар ва ўсмирларга бериладиган албендазол (40 минг), Вермокс (28 минг), уларга қўшимча берилиши зарур бўлган жигарни ҳимояловчи дори воситаларидан Карсил (43 минг), ўт хайдовчи дори воситаларидан Урсосан (250 минг) комплекс даволашга 361 минг сўмни ташкил қилса, биз тавсия қиладиган овқат қўшимчаси 35 минг сўмни ташкил қилади ва бир курс даволаниш учун 298 минг иқтисод қилинади, йил давомида камида тўрт марта фойдаланишда бир ўқувчига 1192000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган;

иккинчи илмий янгилик: кичик мактаб ёшидаги болалар орасида дегельминтизация мақсадида қўлланилаётган иммун кучайтирувчи овқат қўшимчасининг токсикологик ва биологик хусусиятлари комплекс баҳоланиб, унинг болалар организми учун хавфсизлиги ва гижжага қарши воситаларнинг зарарли таъсирини пасайтиришдаги ўрни исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академиясининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши

томонидан 2024 йил 29 августда 01-20352-сон билан тасдиқланган «Virgin Tanagon» овқат қўшимчасининг токсикологик хусусиятларини баҳолаш алгоритми» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси бўйича 20.09.2024 йилдаги 78-Т-сон ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги Тошкент вилояти бошқармаси бўйича 16.09.2024 йилдаги 150-П-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 февралдаги 12/20-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* гижжа касаллигини олдини олишга хавф туғдирмайдиган «Virgin Tanagon» овқат қўшимчасининг тажриба шаротидаги токсикологик хавфсизлиги ва гижжага қарши дорилар билан организмни заҳарланишдан олдини олишдаги ўрнининг юқорилиги асосланганлиги аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом ва хавфсиз овқатланишини таъминлаш, гижжа касалликлари билан хасталаниш кўрсаткичларини камайтириш учун эса «Virgin Tanagon» овқат қўшимчаси касалликликни олдини олиш ва аниқланган гельминтоз билан касалланганларни схематик даволашда қўшимча сифатида бериладиган зарарсиз ҳамда самарали овқат қўшимчасидир. *Иқтисодий самарадорлиги:* гижжа касаллигини олдини олишга хавф туғдирмайдиган «Virgin Tanagon» овқат қўшимчасининг тажриба шаротидаги токсикологик хавфсизлиги баҳолаш учун ўтказилган лаборатор текшируви учун сарфланган сарф харажатлари перорал усулда тажриба ҳайвонларга юбориш орқали ўртача ўлим қиймати ЛД50 ни аниқлаш учун 1511000 сўмни, «Virgin Tanagon» овқат қўшимчасининг сенсibiliзацияловчи таъсирини аниқлаш учун 947000 сўмни, кумулятив (ўткир ости) таъсирини аниқлаш 1748000 сўмни токсикологик текширув хулосасини тўлиқ тизими расмийлаштириш 903000 сўмни тўлиқ токсикологик хавфсизлигини баҳолаш учун 5109000 сўмни ташкил қилган, гижжа касалликларини олдини олишда комплекс даволашга 361 минг сўмни ташкил қилса, биз тавсия қиладиган овқат қўшимчаси 35 минг сўмни ташкил қилади ва бир курс даволаниш учун 298 минг иқтисод қилиниб, йил давомида камида тўрт марта фойдланишда бир ўқувчига 1192000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган.

учинчи илмий янгилик: илмий-амалий жиҳатдан янги овқат қўшимчасининг гельминтозларга қарши таъсири тажриба шароитида асосланиб, унинг кичик мактаб ёшидаги болалар орасида гельминтозларнинг қайта инвазиясини олдини олишдаги самарадорлиги исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академиясининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 29 августда 01-20352-сон билан тасдиқланган «Virgin Tanagon» овқат қўшимчасининг токсикологик хусусиятларини баҳолаш алгоритми» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси бўйича 20.09.2024 йилдаги 78-Т-сон ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги Тошкент вилояти бошқармаси бўйича 16.09.2024 йилдаги 150-П-сон

буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 февралдаги 12/20-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* мактаб ўқувчилари орасида гижжа касаллигини таъсирини олдини олишга қаратилган овқат қўшимчасининг заҳарланишларнир олдини олиш, ўқувчиларнинг жисмоний ривожланиш ва функционал ҳолатига таъсири баҳолашни натижасида жисмоний ривожланиш нуқсонларни коррекциялаш, функционал ўзгаришларни олдини олиш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мактаб ўқувчилари орасида гижжа касаллигини таъсирини олдини олишга қаратилган овқат қўшимчасининг заҳарланишларнир олдини олиш, ўқувчиларнинг жисмоний ривожланиш ва функционал ҳолатига таъсирини баҳолашда «Virgin Tanagon» овқат қўшимчасини қўллаш орқали болалар ва ўсмирларга бериладиган албендазол (40 минг), Вермокс (28 минг), уларга қўшимча берилиши зарур бўлган жигарни химояловчи дори воситаларидан Карсил (43 минг), ўт ҳайдовчи дори воситаларидан Урсосан (250 минг) комплекс даволашга 361 минг сўмни ташкил қилса, биз тавсия қиладиган овқат қўшимчаси 35 минг сўмни ташкил қилади ва бир курс даволаниш учун 298 минг иқтисод қилинади, йил давомида камида тўрт марта фойдаланишда бир ўқувчига 1192000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган;

тўртинчи илмий янгилик: кичик мактаб ёшидаги болаларнинг кунлик рационига овқат қўшимчасини киритиш орқали минтақавий гигиеник ҳамда овқатланиш хусусиятларига мослаштирилиб, гельминтозларнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирлар комплекси такомиллаштирилганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академиясининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 29 августда 01-20352-сон билан тасдиқланган «Virgin Tanagon» овқат қўшимчасининг токсикологик хусусиятларини баҳолаш алгоритми» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси бўйича 20.09.2024 йилдаги 78-Т-сон ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги Тошкент вилояти бошқармаси бўйича 16.09.2024 йилдаги 150-П-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 февралдаги 12/20-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* мактаб ўқувчиларининг кунлик рационига киритилган овқат қўшимчаси киритилгандан кейин ўқувчиларнинг тери рангидаги ўзгаришлар, кечкурунги тишлардаги шовқинли ҳаракатларининг пасайиши, уларнинг жисмоний ривожланишини яхшилашга қаратилган гигиеник тавсияларнинг ўрни исботлаш натижасида юзага келадиган ўзгаришлари олдини олиш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мактаб ўқувчилари орасида гижжа касаллигини таъсирини олдини олишга қаратилган овқат қўшимчасининг заҳарланишларнир олдини олиш, ўқувчиларнинг жисмоний ривожланиш ва функционал ҳолатига таъсирини баҳолашда «Virgin Tanagon» овқат қўшимчасини қўллаш орқали болалар ва ўсмирларга бериладиган

албендазол (40 минг), Вермокс (28 минг), уларга қўшимча берилиши зарур бўлган жигарни ҳимояловчи дори воситаларидан Карсил (43 минг), ўт ҳайдовчи дори воситаларидан Урсосан (250 минг) комплекс даволашга 361 минг сўмни ташкил қилса, биз тавсия қиладиган овқат қўшимчаси 35 минг сўмни ва бир курс даволаниш учун 298 минг иқтисод қилинади ва йил давомида камида тўрт марта фойдаланишда бир ўқувчига 1192000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, хотима, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Замонавий шароитда мактаб ўқувчилари саломатлиги ҳолатининг долзарб муаммолари»** деб номланган биринчи бобида ҳозирги тараққиёт даврида мактаб ўқувчиларининг орасида гельминтозларнинг тарқалишининг ўзига хослиги, мактаб ўқувчиларининг функционал ҳолатига таъсирининг гигиеник асослаш ва мактаб ёшидаги болалар орасида профилактик чора-тадбирларнинг тутган ўрни асослаш ва ушбу ҳолатларни олдини олиш муаммолари бўйича илмий-тадқиқот ишларининг натижалари таҳлил қилинган. Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу муаммони илмий ҳал қилиш учун муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг **«Мактаб ёшидаги болаларда гельминтоз касалликлари профилактикасини баҳолаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг объекти, предмети ва усуллари батафсил ёритилган. Тадқиқотлар Тошкент давлат тиббиёт университети

Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедрасининг илмий тадқиқот ишлари режаси асосида бажарилган.

Тадқиқот ишлари Тошкент шаҳри Сергели туманида жойлашган 300-сон ҳамда Юнусобод туманидаги 98-сонли мактабларнинг 1-синф (7 ёш) дан 4-синф (10 ёш) гача бўлган ўқувчилар жалб қилинган. Мактаб ўқувчиларининг назоратга жалб қилинган 3161 нафарида (1704 нафари ўғил ва 1457 нафари қиз) ҳамда мурожаатлар бўйича касалликлар профилактик тиббий кўрик натижалари таҳлили Халқаро касалликлар таснифи ХКТ-10 (1993) асосида баҳоланган.

Мактаб ўқувчилари саломатлик ҳолати ва жисмоний ривожланиш кўрсаткичларини баҳолаш картаси (026-ҳисоб шакли) ҳамда ўқувчилар ривожланиш картаси (112-ҳисоб шакли) натижалари асосида ва тиббий кўрик жараёни сифатли ўтказилишини таъминлаш учун педиатр, гематолог, эндокринолог, невропатолог, отоларинголог, офтальмолог ва хирург-ортопед, гементолог каби тор мутахассислар текшириш натижалари асосида баҳоланган.

Илмий натижалар сифати ва аниқлигини таъминлаш учун ўртача икки ўқув йилидаги касалланишлар (ўқув йили боши (сентябр–октябр) ва охири (май–июн)), профилактик кўриклар маълумотлари асосида баҳоланган ва ҳар бир ўқувчининг саломатлик гуруҳлари аниқланган.

Мактаб ўқувчиларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари «Шаҳар ва қишлоқларда яшовчи 7 дан 17 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланиши бўйича стандартлар» [Р.Т.Камилова, 1998] асосида амалга оширилган.

«Virgin Tanagon» овқат қўшимчасини токсикологик жиҳатдан хавфсизлигини тажриба шароитда баҳолаш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси ҳузуридаги тиббиёт бош бошқармасининг санитария-эпидемиология назорати бошқармасида амалга оширилган.

Тажриба тадқиқотлари амалдаги норматив-услубий базага мос ҳолда тажриба ҳайвонларида (зотсиз оқ каламушлар ва сичқонлар, денгиз чўчкалари ва қуёнлар) ўтказилди. «Тажрибалар ва бошқа илмий мақсадлар учун фойдаланиладиган умуртқали ҳайвонларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси» қўлланмасидан (Страсбург, 1985) фойдаланилган.

«Virgin Tanagon» биологик фаол қўшимчаси перорал юборилганда ўртача ўлим қиймати (LD_{50})ни, «Virgin Tanagon» овқат қўшимчасининг кумулятив таъсири (субхроник)ни, биологик фаол қўшимчанинг шиллиқ қаватларни таъсирлантириш хусусияти ва сенсibiliзацияловчи таъсири баҳоланган.

ГОСТ 32641-сонли «Кимёвий маҳсулотларнинг инсон организмига таъсирини текшириш усуллари. Моддани кўп марта оғиз орқали юбориш орқали кемирувчиларда заҳарлиликни аниқлаш. 28 кунлик синов» давлатлараро стандарти орқали овқат қўшимча таркибида моддаларнинг кўп марталик заҳарлилик даражаси баҳоланган.

Овқат қўшимчаларининг «Ўткир перорал заҳарлилик–ўткир заҳарлиликни синфларга бўлиш усули» 012-3/0244-сонли услубий тавсиянома талаблар асосида ўткир заҳарлилик даражаси баҳоланган.

«Virgin Tanagon» овқат қўшимчасининг токсикологик кўрсаткичлари 012-3/0312-сон «Озиқ-овқат ва биологик фаол қўшимчаларнинг токсикологик текширувдан ўтказиш бўйича кўрсатмалар» услубий тавсияномаси асосида баҳоланган.

«Virgin Tanagon» овқат қўшимчаси таркибидаги ингредиентларнинг миқдори СанҚваН 0366-19-сон «Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига бўлган гигиеник талаблар», 0338-16-сон «Биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқариш ва айланмасига қўйиладиган гигиеник талаблар»га мос келиши баҳоланган.

Тажриба ҳайвонлари қонидаги гемоглобин концентрацияси стандарт усул бўйича дастур таъминоти (Cypress Diagnostics, Белгия) билан ярим автоматик биокимёвий анализатор «CYANSmart»да аниқланди.

Мактаб ўқувчилари гижжа тухумларини макроскопик копроовоскопия усулида баҳоланган.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistika for Windows 7,0» персонал компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Мактаб ўқувчиларининг саломатлик ҳолати ва касалланиш даражасини гигиеник таҳлили**» деб номланган учинчи бобида тадқиқот учун танлаб олинган мактаб ўқувчиларининг антропометрик кўрсаткичларининг гижжа турлари билан касалланиш ҳолати таҳлил натижалари батафсил ёритилган.

1-жадвал

Тошкент шаҳридаги 14 ёшгача бўлган ўқувчиларда йиллар кесимида аниқланган гижжа касалликларининг кўрсаткичлари (1000 нафарга нисбатан)

№	Гижжа касалликлари	2019	2020	2021	2022	2023
1.	Энтеробиоз	48,43±0,53	18,31±0,33	29,84±0,42	37,47±0,47	40,64±0,49
2.	Аскаридоз	0,18±0,03	0,11±0,03	0,12±0,03	0,04±0,02	0,11±0,03
3.	Геминолипедоз	0,05±0,02	0,02±0,01	0,03±0,01	0,06±0,02	0,09±0,02
4.	Лямблиоз	1,28±0,09	2,63±0,13	3,51±0,15	2,3±0,12	3,84±0,15
	Жами	49,94±0,54	21,07±0,36	33,5±0,45	41,71±0,5	44,68±0,51

1-жадвалда Тошкент шаҳридаги 14 ёшгача бўлган мактаб ўқувчиларининг гельминтозлар билан касалланиш ҳолатининг таҳлил натижалари берилган бўлиб, унда энтеробиоз билан касалланиш 2019 ва 2023 йилларда бошқа йилларга нисбатан юқорилиги 48,43±0,53 ва 40,64±0,49 аниқланди. Болаларнинг аскаридоз билан касалланиши кўрсаткичи эса 2019 йилда энг юқорилиги аниқланган (0,18±0,03) бўлса, геминолипидоз билан касалланиш даражаси 2020 йилда 0,02±0,01 ни, 2023 йилда эса энг юқори

даражани $0,09 \pm 0,02$ ни, ляблиоз ташхисланган ўқувчилар 2023 йилда энг юқори бўлиб, $3,84 \pm 0,15$ ташкил қилган.

Мактаб ўқувчиларнинг тана вазни кўрсаткичлари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Мактаб ўқувчиларининг тана вазни кўрсаткичини натижалари

Ёши	Меъёр		Назорат		Асосий	
Жинси	Ўғил	Қиз	Ўғил	Қиз	Ўғил	Қиз
7	$23,07 \pm 2,9$	$22,2 \pm 2,37$	$24,08 \pm 0,61$	$22,72 \pm 0,78$	$22,34 \pm 0,30$	$20,18 \pm 0,54$
8	$24,56 \pm 3,02$	$23,33 \pm 3,28$	$25,66 \pm 0,85$	$24,78 \pm 0,88$	$23,10 \pm 1,70$	$22,37 \pm 1,05$
9	$28,45 \pm 4,73$	$26,83 \pm 3,83$	$29,19 \pm 1,76$	$26,83 \pm 1,44$	$27,55 \pm 1,12$	$25,78 \pm 1,54$
10	$30,88 \pm 4,20$	$30,02 \pm 3,97$	$30,31 \pm 1,41$	$30,23 \pm 0,96$	$30,60 \pm 0,93$	$28,75 \pm 1,13$

Тана вазнини гигиеник таҳлилида 7 ёшли ўғил болаларнинг назорат гуруҳида бу кўрсаткич $24,08 \pm 0,61$ кгни, асосий гуруҳда эса $22,34 \pm 0,30$ кгни, қизларда аналогик тартибида $22,72 \pm 0,78$ ва $20,18 \pm 0,54$ кгни ташкил этди. 8 ёшлиларда ўғил болаларда $25,66 \pm 0,85$ - $23,10 \pm 1,70$ кгни, қизларда $24,78 \pm 0,88$ - $22,37 \pm 1,05$ кг ни кўрсатди. 9 ёшлиларда эса $29,19 \pm 1,76$ - $27,55 \pm 1,12$ кгни, қизларда $26,83 \pm 1,44$ - $25,78 \pm 1,54$ кгни ташкил этди. 10 ёшлиларда $30,31 \pm 1,41$ - $30,60 \pm 0,93$ кгни, қизларда $30,23 \pm 0,96$ кг- $28,75 \pm 1,13$ кг эканлиги қайд этилди. Бундан кўриниб турибдики, 7 ва 8 ёшли болаларнинг назорат ва асосий гуруҳлари орасидаги фарқ 2 кгни, 9 ёшлиларда 1,5 кгни ва 10 ёшли ўғил ва қиз болаларнинг тана вазни орасидаги фарқ 1-2 кг эканлиги маълум бўлди. Асосий гуруҳдаги болаларнинг тана вазни назорат гуруҳига қараганда сезиларли даражада пастлиги аниқланди.

Ўрганилаётган болаларда гижжа касалликлари билан касалланиш даражасини баҳолаш 7 ёшдан 10 ёшгача бўлган мактаб ўқувчиларини бир марталик текширувдан ўтказиш билан амалга оширилди. Сергели ҳамда Юнусобод туманларидаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамосат саломатлиги кўмитасининг паразитология лабораториясида ўқувчиларнинг перианал бурмаларидан олинган суртмалар текширилди. Шу билан бирга 300-сонли мактаб ўқувчиларидан нажас намуналари шу туманнинг кўп тармоқли клиникаси лаборатория ходимлари билан биргаликда олиниб, шу клиника лабораториясида копровоскопия текшируви ўтказилди. Юнусобод туманидаги 98-сонли мактабининг ўқувчиларидан нажас намуналари олиниб, шу тумандаги 56-сон оилавий поликлиника лабораториясида текширилди. Олинган натижаларга асосан, гижжа тухумлари аниқланган болалар «асосий гуруҳ», гижжа тухумлари аниқланмаган болалар жамоасини эса «назорат гуруҳи» деб гуруҳларга ажратдик (3-жадвалга қarang).

Ҳар иккала мактабнинг бошланғич синф ўқувчилари 7 ёшдан 10 ёшгача бўлган болаларда паразитологик текширувлар ўтказилиб, гижжа

касалликларини аниқлаш мақсадида болаларнинг перианал бурмаларидан намуна олинди ва гельминт тухумлари мавжудлиги аниқланди.

3-жадвал

Болаларнинг перианал бурмаларидан олинган намуналарда гижжа тухумларининг натижалари

Ёши	Текширилган болалар сони	Гижжа тухумлари топилмаган болалар		Гижжа тухумлари топилган болалар		1000 нафар болада касалланиш ўрни	Текширилган болалар сони	Гижжа тухумлари топилмаган болалар		Гижжа тухумлари топилган болалар		1000 нафар болада касалланиш ўрни
		абс	%	абс	%			абс	%	абс	%	
7	105	66	62,9	39	37,1	76,47	48	35	72,9	13	27,1	71,43
8	141	95	67,4	46	32,6	90,20	44	28	63,6	16	36,4	87,91
9	118	90	76,3	28	23,7	54,90	46	37	80,4	9	19,6	49,45
10	146	88	60,3	58	39,7	113,7	44	36	81,8	8	18,2	43,96
98-мактаб							300-мактаб					

98-мактабдан 7 ёшли жами 105 нафар болалардан 66 нафарида (62,9%), 8 ёшли жами 141 нафар болалардан 95 (67,4%) нафарида, 9 ёшли жами 118 нафар болалардан 90 (76,3%) нафарида, 10 ёшлиларжа 146 (60,3%) нафарида гижжа тухумлари топилмаган бўлса, 7 ёшлиларнинг 39 (37,1%) нафари, 8 ёшлиларнинг 46 (32,6%) нафари, 9 ёшлиларнинг 28 (23,7%) нафарида, 10 ёшлиларда эса 58 (39,7%) нафарида, 300-сонли мактабдан 7 ёшлилар 48 нафар ўқувчиларда 35 (72,9%) нафарида, 8 ёшлиларда 44 нафар ўқувчилардан 28 (63,6%) нафарида, 9 ёшлиларнинг 46 нафар ўқувчилардан 37 (80,4%) нафарида, 10 ёшлиларда 44 нафар болалардан 36 (81,8%) нафарида гижжа тухумлари топилмади; 7 ёшли болаларнинг 13 (27,1%) нафари, 8 ёшлиларнинг 16 (36,4%) нафарида, 9 ёшлилардан 9 (19,6%) нафарида, 10 ёшлилардан 8 (18,2%) нафарида гижжалар аниқланди.

Гижжа касалликлари аниқланган ва аниқланмаган болаларни тиббий кўрикдан ўтказилганда касалланиш ҳолатларида фарқлар мавжудлиги аниқланди (4-жадвал қаранг).

Мактаб ўқувчилар орасида касалланиш ҳолатининг синфлар бўйича таҳлилида Тошкент шаҳридаги 98-сон ҳамда 300-сонли мактаблардаги болаларда гижжа касалликлари билан касалланган болаларда, яъни асосий гуруҳимизда қон ва қон яратувчи органлар касалликлари ва иммун механизмни жалб этувчи айрим бузилишлар (III) $64,9 \pm 4,4$, нафас олиш аъзолари касалликлари (X) $39,9 \pm 3,5$, овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари (XI) $29,1 \pm 3,0$, баъзи инфекцион ва паразитар касалликлар (I) $22,8 \pm 2,7$, кўз ва унинг қўшимча аппарати (VII) $14,2 \pm 2,1$, назорат гуруҳида эса нафас олиш аъзолари касалликлари (X) $51,9 \pm 3,9$, қон ва қон яратувчи органлар касалликлари ва иммун механизмни жалб этувчи айрим бузилишлар (III)

23,7±2,7, овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари (XI) 18,0±2,4, кўз ва унинг қўшимча аппарати (VII) 11,4±1,9 ва баъзи инфекцион ва паразитар касалликлар (I) 10,4±1,8 қайт қилинган.

4-жадвал

Таққосланган болалар орасида касалликларнинг тузилиши (%) ва тарқалиши (1000 нафар ҳисобига).

№	Касалликлар таснифи	Асосий гуруҳ			Назорат гуруҳи		
		Абс.	1000 нафар болага	%	Абс.	1000 нафар болага	%
I	Баъзи инфекцион ва паразитар касалликлар	72	22,8±2,7	10,3	33	10,4±1,8	6,7
III	Қон ва қон яратувчи органлар касалликлари ва иммун механизмни жалб этувчи айрим бузилишлар	205	64,9±4,4	29,2	75	23,7±2,7	15,2
IV	Эндокрин тизими касалликлари, овқатланиш тартибсизлиги ва моддалар алмашинуви бузилишлари	32	10,1±1,8	4,6	44	13,9±2,1	8,9
VI	Нерв тизими касалликлари	30	9,5±1,7	4,3	21	6,6±1,4	4,3
VII	Кўз ва унинг қўшимча аппарати	45	14,2±2,1	6,4	36	11,4±1,9	7,3
VIII	Қулоқ ва сўрғичсимон ўсимта	21	6,6±1,4	3,0	15	4,7±1,2	3,0
IX	Юрак-қон томир тизими касалликлари	6	1,9±0,8	0,9	8	2,5±0,9	1,6
X	Нафас олиш аъзолари	126	39,9±3,5	17,9	164	51,9±3,9	33,3
XI	Овқат ҳазм қилиш касалликлари	92	29,1±3	13,1	57	18±2,4	11,6
XII	Тери ва тери ости тўқима касалликлари	35	11,1±1,9	5,0	6	1,9±0,8	1,2
XIII	Суяк-мушак тизими ва қўшувчи тўқима касалликлари	22	7±1,5	3,1	27	8,5±1,6	5,5
XIV	Сийдик таносил тизими	16	5,1±1,3	2,3	7	2,2±0,8	1,4

Бундан кўриниб турибдики, асосий гуруҳда III ва X-синф касалликлари, назорат гуруҳида эса X- ва III-синф касалликлари етакчи ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Virgin Tanagon**» овқат қўшимчасининг биологик қийматини гигиеник баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобида мактаб ўқувчиларида гельминтоз касаллигини олдини олишда овқат қўшимчаси ҳисобланган «**Virgin Tanagon**»нинг биологик ва токсикологик хусусиятлари таҳлил қилган ва самарадорлигини баҳолаш натижалари келтирилган.

«**Virgin Tanagon**» овқат қўшимчаси доривор ўсимликлардан иборат бўлиб, таблетка шаклида чиқарилган, унинг таркибида фаол модда, витамин ва минераллар мавжуд. «**Virgin Tanagon**» овқат қўшимчасининг таркиби ва ингредиентларнинг миқдори 5-жадвалда келтирилган.

«**Virgin Tanagon**» овқат қўшимчаси таркибидаги доривор ўсимликлар Тансий гуллари таркибида органик кислота, аччиқ модда - танацетин, танин, қатрон, шакар, сақич, гликозид, витамин, ёғ ва эфир мойлари мавжуд.

**«Virgin Tanagon» овқат қўшимчаси таркибидаги
витамин ва минераллар миқдори**

Ингредиентлар	Миқдори
Оддий пижма (Tanacetum Vulgare L)	116 мг
Elecampane илдизлари	116 мг
Кассия уруғи	116 мг
Антрагликозидлар (sennozid A, sennidin)	4% гача
Антра ҳосилалари (реуп)	4% гача
Стеарин кислотаси	3% гача

Танацетин паразитларнинг периферик нервлари ва мушак ҳужайраларида жойлашган хлорид ион каналларини блоклайдиган глутамат билан танлаб боғланади. Бу нерв ёки мушак ҳужайраларининг гиперполяризацияси билан мембрана ҳужайраларининг хлор ионларига ўтказувчанлигини ошириб, паразитларнинг фалажланиши ва ўлимига олиб келади.


**«Virgin Tanagon» овқат қўшимчасининг тажриба ҳайвонлари меъдасига
юборилганда ўлим кўрсаткичи**

Овқат қўшимчаси номи	миқдор, мг/кг	тажриба ҳайвонлари /нобуд бўлганлар сони	Заҳарланишнинг клиник кўриниши	ЛД ₅₀ , мг/кг
«Virgin Tanagon»	2000	6/0	Аниқланмади	>6000 мг/кг
	4000	6/0		
	6000	6/0		

